

ADOLAT


IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

adolat_gazeta@message.uz

www.adolat.uz

№ 6 (918)

2013-yil, 15-fevral, juma



Бадий гимнастика: нафосат ва гўзаллик уйғунлиги

Болалар спорти

Спорт — ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг ўз салоҳиятини намоен этиши, ғурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситаларидан бири бўлиши билан бирга навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялашнинг муҳим омили ҳамдир.

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, чекка ва олис қишлоқларда ҳам замонавий болалар спорти иншоотлари барпо этилмоқда.

Халқаро андозалар даражасида жиҳозланган марказ ва секциялар, спорт комплекслари фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, қизларнинг жисмоний тар-

бия ва спорт билан мунтазам шуғулланишига доимий эътибор қаратилмоқда. Чунки миллат генофондининг саломатлиги, аввало, бўлажак оналар — қизларга боғлиқдир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бугунги кунда бадий гимнастика қизлар ўртасида энг жадал оммалашаётган спорт турига айланди. Ўзбекистон Болалар спорти ривожлантириш жамғармаси маълумотларига кўра, бадий гимнастика билан шуғулланувчи ўқувчилар сони 2003 йилда 1646 нафарни ташкил этган бўлса, айни пайтда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган қизларнинг

35 минг нафардан ортиғи ушбу спорт тури бўйича машгулотларга мунтазам қатнашмоқда.

Бадий гимнастика қизларимизга мос спорт туридир. Унда жисмоний тарбия, мусика ва хореография каби қизлар тарбияси учун муҳим жиҳатлар мужассам. Гимнастика машқлари қизлар организмнинг таянч-ҳаракат тизимини, тананинг ҳамма қисмлари пропорционал ривожланишини таъминлайди. Гимнастика билан шуғулланиш қизларни ҳам жисмонан, ҳам эстетик тарбиялашга, уларнинг мусика ва рақсга қизи-

қишини оширишга, ҳар томонлама гўзаллиги ва дидини шакллантиришга хизмат қилади. Бадий гимнастиканинг мусика билан ҳамоҳанглиги эса инсоннинг маънавий дунёсини бойитади.

Энг муҳими, ҳар томонлама баркамол вояга етган қизлар келажакда оила кўрғонида соғлом зурриёдни дунёга келтириши ва фарзандига ҳам спортга меҳр туйғусини сингдиради, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатади.

С.ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат

Инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлатни юксалтиришда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ўрни катта

Парламентда

Парламент қўйи палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2012 йил ҳисоботи тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова 2012 йилги фаолият Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, халқаро шартномалари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ҳамда нормаларига асосланиб амалга ошириб келинаётганини таъкидлади.

Ҳисобот даврида давлат ва ҳокимият институтларининг фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш йўли билан фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилишининг янги йўллари шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

2012 йилдаги фаолият ҳисоботида Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга кўмаклашиш, инсон ҳуқуқлари мониторин-

гини ўтказиш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича фаолияти, Омбудсманнинг давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги, вакилнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги маслаҳат-кенгашуви органлари ишида, ахборот-маърифий фаолиятда ва халқаро ҳамкорликда иштирок этиши тўғрисидаги ахборотлар жамланган.

Ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолис таҳлил қилиш учун Омбудсманнинг 2012 йилдаги ҳисоботи, авваламбор, фуқароларнинг мурожаатларида кўрсатилган фактларни таҳлил қилишга ва ушбу мурожаатларни кўриб чиқиш асносидаги бўйича ҳулосаларга, фуқароларни шахсан қабул қилиш чоғида маълумотларга, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти томонидан ўтказилган ижтимоий сўровлар натижаларига, конференциялар ва семинарларнинг таҳлилий материалларига асосланган.

2 ➤

Мамлакат ривожини, юрт равнақини

ҳар жиҳатдан етук мутахассис кадрларга боғлиқ

Сайёр йиғилиш

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан фракциянинг 2013 йил иш режасига асосан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг мажлислар залида «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тизимли тайёрлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш — мамлакат тараққиётининг муҳим омили» мавзусида давра сўхбати ташкил этилди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари проректорлари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбасари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари Собир Турсунов Юртбошимизнинг «Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган аниқ мақсадли чора-тадбирларни янада такомиллаштириш, тизимни халқаро стандартларга тўла мослаштиришга беvosита хизмат қилиб келатганига алоҳида эътибор қаратди.

3 ➤



«Электрон ҳукумат»

Фуқароларнинг давлат ҳокимияти органлари билан доимий, очиқ мулоқотини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларининг роли ортиб бораётганлиги хусусида

Тежамкорлик виждон ишимизга айлансин

ёшларнинг экологик маданиятини ошириш, уларни тежамкорликка ўргатиш, зарур маълумотлар, таҳлиллار билан қуроллантириш лозим бўлади. Бу ишда бизга жамоатчилик назорати, сиёсий партияларнинг ёшлар қаноти, ижтимоий фаол йигит-қизлар кўлачки бўлиши мумкин

Кучли фуқаролик жамияти сари

Даставвал битта янгиликни алоҳида таъкидлаш лозим. Самарқанд вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтидаги қулайликларни кенгайтириш мақсадида фуқаролар учун қўшимча виртуал қабулхона бўлими очилди. Бу фуқароларга веб-сайт орқали тўғридан-тўғри ҳокимга мурожаат қилиш ва зарур жавобга эга бўлиш имконини бермоқда.

6 ➤

ФАКТ ВА РАҚАМ

Ўтказилган сўровларга кўра, айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини ўзини ўрта тоифага мансуб деб билади. Ҳолбуки, 2000 йилда атиги 24 фоиз аҳоли ўзини шу тоифага мансуб деб билар эди.

Шуни унутмаслик керакки, ўрта синф улушининг юқорилиги фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замини ва асоси, давлатнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигининг, одамларнинг ўз келажигига бўлган ишончининг муҳим омили сифатида қабул қилинади.



8 ➤

Партия ҳаёти

Инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлатни юксалтиришда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ўрни катта



Давом. Боши 1-бетда

Маърузачи инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир фаолият хусусида гапирар экан, аввало, мансабдор шахслар ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга устувор аҳамият берилганини, ҳисобот йилида Омбудсман томонидан қўйи палатанинг кўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари томонидан ишлаб чиқилган 20 дан ортиқ қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси амалга оширилганини таъкидлади.

Омбудсман фаолиятининг асосий йўналиши инсоннинг бузилган ҳуқуқ ҳамда эркинликларни тўғрисидаги фуқаролар шикоятлари ва мурожаатларини кўриб чиқиш, уларни тиклаш юзасидан қонуний чора-тадбирлар кўришдан иборатдир.

Таъкидландики, 2012 йилги ҳисобот даврида Омбудсманга фуқаролардан 12826 та мурожаат тушган бўлиб, шундан 7658 та шикоят ва ариза — Омбудсманнинг марказий офиси, 895 та мурожаат эса минтақавий вакилларга тушган.

Ўтказилган шахсий қабул чоғида Омбудсман томонидан фуқароларнинг 251 та мурожаати қабул қилинди, 152 та шикоят ва ариза назоратга олиниб, моҳиятига кўра ҳал қилиш учун тегишли ташкилотларга юборилди, 99 та ариза бўйича Омбудсман то-

монидан оғзаки тушунтириш берилди.

Ҳисобот йилида 2730 та мурожаат Омбудсманнинг назоратида бўлди. Умуман олганда, 2012 йилда фуқароларнинг 452 та мурожаати юзасидан ижобий қарорлар қабул қилинди.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурининг асосий йўналишларидан бири «Инсон манфаатлари — энг олий қадрият!» деб номланган. Мазкур широр остида партия ҳамма вақт ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошириш оладидаги ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш гоясини илгари суриб келмоқда. Муҳокамалар асосида депутатлар шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мазкур институт билан мақсадлар муштараклигини алоҳида эътироф этишди. Партия ва институт ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш масалалари ҳақида ҳам фикр ва таклифлар билдирилди.

Абдурафиқ АҲАДОВ,
фракция аъзоси:

— Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда Омбудсманнинг алоҳида ўрни бор, албатта. Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Буни фуқаролар томонидан Омбудсманга бўлган мурожаатларнинг ижобий ҳал қилинаётганлигида, шу боис



мурожаатлар йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигида, пировардида, унга бўлган ишонч ортаётганлигида кўриб турибмиз. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида қисқа давр ичида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг «самарадорлиги» ривожланган «ҳорижий» давлатлар вакиллари, шунингдек, инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи нуфузли халқаро ташкилотларнинг институционал тузилмалари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Бироқ Омбудсманга фуқаролар мурожаатларининг йилдан-йилга ортиб боришида, айрим маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг, мутасаддиларнинг ўз хизмат вазифасига ҳамда фуқароларнинг мурожаатларига эътиборсиз ёндашгани ҳам асос бўлмоқда. Шу боис бу каби мажлисларда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар мутасаддилари иштирокчи ҳам таъминлаш лозим.

Умид ЖУМАНИЕВОВ,
фракция аъзоси:



— Партиямиз дастурида белгилаб қўйилганидек, адолатлилик гояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш «Адолат» СДПдан сайланган депутатларнинг қонунийлик ҳамда назоратчилик фаолиятининг асосий ва бош йўналишидир. Шу боис ҳисоботда 2012 йилда фуқароларнинг эркинлик ҳамда шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқлари таъминлишига доир мурожаатлари сони 1658 тани ташкил этгани, шу билан бирга ҳисобот йилида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норозилик тўғрисидаги шикоятлар сони бир мунча камийиши кузатирилгани фракция эътиборидан четда қолмади. Ҳисобот йилида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоларига оид мурожаатлар сони бир мунча камийгани, бироқ уй-жой ва коммунал хўжалиги масалаларига оид 587 та мурожаат келиб тушгани ушбу соҳа мамлакатимизда энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолаётгани ҳам биз депутатларни янада фаол бўлишга ундайди.

Қизгин муҳокама ва савол-жавоблардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

Мажлис сўнггида кўрилган масала юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Фарҳод ЭРКИНОВ



Бугунги ўзбек аёли

маънавий-сиёсий етук ва ҳар жиҳатдан фаол

Давра суҳбати

Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз дастурий гояларидан келиб чиққан ҳолда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида амалий ишларни кучайтиришга интилоқда. Партия сафига аёллар сонининг тобора ортиб бораётгани ўз навбатида жамият ҳаётида опа-сингилларимиз мавқеи юксалаётганидан ҳам далолатдир.

Партиянинг «Аёллар қаноти» Кенгаши томонидан Тошкент давлат молия институти билан ҳамкорликда «Обод турмуш йили»га бағишлаб ташкил этилган «Замонавий фаол аёллар — обод турмуш яратувчилари» мавзудаги давра суҳбатида ҳам аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, сиёсий-ҳуқуқий билимлари ҳамда фаолликларини оширишга кўмаклашиш, юрти-мизда кечаётган сиёсий-иқтисодий ўзгаришларни, қабул қилинаётган фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида хотин-қизлар фаоллигига эришиш, улар орасидан партиянинг кадрлар захирасини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди. Унда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда

партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, «Аёллар қаноти» Кенгаши етакчилари, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этишди.

— Бугунги кунда Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоларининг 48,9 фоизини аёллар ташкил этаётгани ва улар нафақат партиянинг асосий электорати вакиллари, балки жамиятнинг барча қатламларини қамраб олаётгани партиямизнинг хотин-қизларга қаратаётган эътибори самарасидир, — деди Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты А.Раҳмонов. — Шундай экан, партиянинг «Аёллар қаноти» хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётидаги ролини янада кучайтириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ва бу борадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш борасидаги дастурий вазифаларни ижросини таъминлашга эътиборни янада ошириш лозим.



Илёс САҲАТОВ,
«Адолат» мухбири

Таълим муассасаларида мобиль телефонлардан фойдаланиш ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини сусайтиради

Депутатлик гуруҳларида

Таълим-тарбия самарадорлигини янада ошириш, жисмонан ва маънан етук баркамол авлод тарбияси давлатимизнинг доимий эътиборидаги масалалардан бири бўлиб, мамлакатимизда бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобиль телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам эртанги кун эгаларининг тарбияси ва маънавиятини юксалтиришга, уларнинг сифатли таълим олиш ва касбий тайёргарликка эга бўлишига, соғлигини сақлашга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Сир эмас, бугунги кунда ижтимоий ҳаётда мобиль телефон билан боғлиқ гайри-ахлоқий иллатлар учрамоқда. Телефонни бўйнига осиб, биллагага тақиб юриш, телефон аккумуляторини зарядлаш учун таълим муассасаси электр тармоқларига улаш, телефон ёрдамида атрофда-

гиларга зўравонлик, шафқатсизликни тарғиб қилувчи видео ва суратларни тарқатиш шулар жумласидан. Юқорида таъкидланган қарор билан буларнинг барчаси тақиқланди.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш самарадорлигига эришиш ва ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш кўзланган мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобиль телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган эди. Низом давлат ва нодавлат таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилиб, таълим олувчиларга, шунингдек, таълим муассасаларининг барча тоифадаги ходимларига нисбатан амал қилади.

Хўш, бугунги кунда ушбу меъёрий ҳужжат ижроси жойларда қанчалик таъминланмоқда.

Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи ва халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги Ўшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссия хамкорлигида Чирчиқ тиббиёт касб-хунар

колежиди қарор ижроси ўрганилди.

Ислохотлар, қабул қилинаётган қонунларнинг туб моҳиятини ёшлар онгига чуқур синдириш сиёсий партиялар олдида турган муҳим вазифалардандир. Шу нуқтаи назардан партия ва ёшлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш жараёнларида ёшларнинг иж-

тимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, юртимиз келажигини белгилувчи куч бўлган эртанги кунимиз эгаларида ислохотлар жараёнига дахлдорлик ҳиссини шакллантириш каби мақсадлар назоратчилик тадбиримизнинг асосини ташкил этди.

Тадбир давомида мобиль телефонлардан фойдаланиш билан боғлиқ салбий ҳодиса-


лар ўқувчиларга аниқ мисоллар ёрдамида тушунтирилди. Шунингдек, машғуллотлар вақти турли ўйинларга чалғиш, маънавий-ахлоқий фазилатларга пўтур этказувчи зарарли маълумотларни тарқатиш каби ҳолатларнинг олдини олишда, аввало ёшларнинг ўзлари тарғиботчи ва назоратчи бўлишлари кераклиги ўқтирилди.

Таҳлил давомида айрим ўқувчилар, ходим ва бошқа шахслар низомда кўрсатилганидек, таълим муассасасига кириб келишда мобиль телефоннинг қақриув овозини тўлиқ ўчириб қўйиш каби тартибга тўлиқ амал қилмаслик ҳолатлари аниқланди. Бу ҳолатнинг олдини олиш борасида таълим муассасаси ходимларига тегишли тавсиялар берилди. Таълим олувчиларга машғуллотлар ва тадбирлар оралиғида мобиль телефонлардан фойдаланишга фақатгина асосли ва кечиктириб бўлмайдиган зарур ҳолатларда ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, яқин қариндошлари, таълим муассасаларининг раҳбарлари ёки ходимлари билан бир зумда боғланиш мақсадида телефонлардан фойдаланишга рухсат

этилиши тушунтирилди. Қоидаларни бузган таълим олувчиларга нисбатан оғохлантириш, уларнинг қундалиқ дафтарига ёзиб қўйиш, ота-оналарини ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни хабардор қилиш ёки тушунтириш суҳбатига ўқувчи учун таълим муассасасига қақриш каби таъсир чоралари кўлланилиши таъкидланди. Бу борадаги тарғибот-ташвиқот тадбирларини янада кучайтириш бўйича аниқ тавсиялар берилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда ёш авлодининг замонавий талаблар даражасида таълим-тарбия олиши, баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Ёшларнинг бундан унумли фойдаланишида эса барчамиз бирдек масъулмиз.

Акмаъл САМЕДЖАНОВ,
халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи аъзоси, Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссия раиси



Ахборот очиклиги ва ошкоралиги мустаҳкамланмоқда

Концепция: устувор вазифалар

Ахборот мамлакат тараққийётининг кўзгу-си, кишилар тафаккури, ҳуқуқий маданияти, сиёсий фаоллигини оширишнинг муҳим омили бўлиб, у шахс, жамият ва давлат ҳаёти-нинг муҳим жиҳатларидан бирига айланган. Ҳозирги ахборот асри замонида ахборотга эгалик, замонавий ахборот тизимининг шаклланганлиги ҳар қандай давлатнинг салоҳияти ва тараққийётини белгилаб бериши ҳеч қандай шаклдан шубҳасиз.



Мамлакатимизни сиёсий модернизация қилиш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг янги bosқичида муҳим дастурамал ҳужжат бўлиб хизмат қилаётган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да Юртбошимиз томонидан белгиланган муҳим олти йўналишдан бири ҳам ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган.

Дарҳақиқат, ахборотни эркин олиш ҳуқуқи демократик давлатнинг фундаментал асосларидан бири ташкил этади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ахборот ресурсларидан бемалол фойдалана олиш ҳуқуқи жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосини ташкил этади, давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини ошириш билан бирга коррупцияга қарши курашишнинг ҳам самарали воситаси бўлиб хизмат қилади.

Асосий Қомусимизнинг 29-моддасида «*ҳар ким ўзи исташган ахборотни олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи эга*» эканлигининг белгиланганлиги фуқароларнинг ахборотдан эркин фойдаланиши конституциявий-ҳуқуқий кафолатланганлигидан далolat беради. Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини рўйбга чиқариш учун ҳам ташкилий, ҳам ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, улар изчил такомиллаштирилиб борилмоқда.

Айтиб ўтганимизdek, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги прин-

циплари ва кафолатлари тўғрисида»га Қонунлари шулар жумласидандир. Ушбу Қонунларда фуқароларнинг ахборот олиш ва ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган.

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида «Ахборот ресурсларидан фойдаланувчилар ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга...» деб мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан ташқари, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида «*Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, тарқатиш ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини, жамоатчилик назоратини, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги узвий алоқани таъминлашда ОАВ родини кучайтиришга, шунингдек, давлат органлари ахборот хизматларининг фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмлар яратилишдан иборат эканлигини таъминлашда*

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида «*Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, тарқатиш ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини, жамоатчилик назоратини, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги узвий алоқани таъминлашда ОАВ родини кучайтиришга, шунингдек, давлат органлари ахборот хизматларининг фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмлар яратилишдан иборат эканлигини таъминлашда*

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида «*Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, тарқатиш ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини, жамоатчилик назоратини, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги узвий алоқани таъминлашда ОАВ родини кучайтиришга, шунингдек, давлат органлари ахборот хизматларининг фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмлар яратилишдан иборат эканлигини таъминлашда*

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида «*Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, тарқатиш ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини, жамоатчилик назоратини, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги узвий алоқани таъминлашда ОАВ родини кучайтиришга, шунингдек, давлат органлари ахборот хизматларининг фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмлар яратилишдан иборат эканлигини таъминлашда*

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида «*Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, тарқатиш ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини, жамоатчилик назоратини, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги узвий алоқани таъминлашда ОАВ родини кучайтиришга, шунингдек, давлат органлари ахборот хизматларининг фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмлар яратилишдан иборат эканлигини таъминлашда*

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида «*Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, тарқатиш ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини, жамоатчилик назоратини, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги узвий алоқани таъминлашда ОАВ родини кучайтиришга, шунингдек, давлат органлари ахборот хизматларининг фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмлар яратилишдан иборат эканлигини таъминлашда*

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида «*Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, тарқатиш ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини, жамоатчилик назоратини, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги узвий алоқани таъминлашда ОАВ родини кучайтиришга, шунингдек, давлат органлари ахборот хизматларининг фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмлар яратилишдан иборат эканлигини таъминлашда*

24179 та қонунбузарликка чек қўйилди

Божхона бекати

Республикамизда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, импорт қилиш, соқлаш, ташиниш ва сотиш устидан самарали давлат назорати ўрнатилган бўлиб, бу мазкур турдаги товарларнинг яширин тарзда ишлаб чиқарилиши ёхуд республикамиз ҳудудига олиб кирилишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.



Афсуски, бу борада кўрилатган чора-тадбирларнинг самарадорлигига путур етказувчи баъзи салбий омиллар ҳам борки, улардан бири тамаки маҳсулотларини республикамизга ноқонуний олиб кириш билан боғлиқ. Чунки, қинғир йўллар билан олиб кирилган тамаки маҳсулотларининг мавжуд қонунчилик талабларига мос ҳолда қадоқланиши, шунингдек, уларни тарқатишда амалдаги қондаларга риоя қилинишига ҳеч қандай кафолат мавжуд эмас.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув харакатлари давом эттирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўтган 2012 йилда республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 24 минг 179 та қонунбузарлик ҳолатларида 107,6 млрд. сўмдан ортик қийматдаги товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Жорий йилнинг 31 январь кунга Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар номига Америка Қўшма Штатларидан юборилган жўнатмалар ўрнатилган тартибда кўздан кеңилирилганда, қиймати салкам 30 млн. сўмлик 5 турдаги 27 донга замонвий смартфонлар тегишли божхона баённомаларида қайд этилмагани аниқланди.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида истиқомат қилувчи А.Мухамеджанов ҳам божхона тўловларини тўлашдан қочиб, қиймати 8 млн. сўмдан ортик бўлган 3 турдаги 8 донга смартфонларни почта жўнатмаси орқали юртимизга олиб киришга уриниши иш бермади.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув харакатлари давом эттирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўтган 2012 йилда республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 24 минг 179 та қонунбузарлик ҳолатларида 107,6 млрд. сўмдан ортик қийматдаги товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Жорий йилнинг 31 январь кунга Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар номига Америка Қўшма Штатларидан юборилган жўнатмалар ўрнатилган тартибда кўздан кеңилирилганда, қиймати салкам 30 млн. сўмлик 5 турдаги 27 донга замонвий смартфонлар тегишли божхона баённомаларида қайд этилмагани аниқланди. Пойтахтимизнинг Олмазор туманида истиқомат қилувчи А.Мухамеджанов ҳам божхона тўловларини тўлашдан қочиб, қиймати 8 млн. сўмдан ортик бўлган 3 турдаги 8 донга смартфонларни почта жўнатмаси орқали юртимизга олиб киришга уриниши иш бермади. Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув харакатлари давом эттирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўтган 2012 йилда республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 24 минг 179 та қонунбузарлик ҳолатларида 107,6 млрд. сўмдан ортик қийматдаги товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Афсуски, бу борада кўрилатган чора-тадбирларнинг самарадорлигига путур етказувчи баъзи салбий омиллар ҳам борки, улардан бири тамаки маҳсулотларини республикамизга ноқонуний олиб кириш билан боғлиқ. Чунки, қинғир йўллар билан олиб кирилган тамаки маҳсулотларининг мавжуд қонунчилик талабларига мос ҳолда қадоқланиши, шунингдек, уларни тарқатишда амалдаги қондаларга риоя қилинишига ҳеч қандай кафолат мавжуд эмас. Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув харакатлари давом эттирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўтган 2012 йилда республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 24 минг 179 та қонунбузарлик ҳолатларида 107,6 млрд. сўмдан ортик қийматдаги товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди. Жорий йилнинг 31 январь кунга Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар номига Америка Қўшма Штатларидан юборилган жўнатмалар ўрнатилган тартибда кўздан кеңилирилганда, қиймати салкам 30 млн. сўмлик 5 турдаги 27 донга замонвий смартфонлар тегишли божхона баённомаларида қайд этилмагани аниқланди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ахборот хизмати

Сўраган эдингиз

Мерос мулки



Фуқаро вафот этганидан сўнг ундан қолган мол-мулк меросхўрлар ўртасида қандай тақсимланади?

М.Ташбекова Сойхунобод тумани

Нотариус мерос очилганлиги ҳақидаги хабарни олгач, бу ҳақда турар-жайи ва иш жойи маълум бўлган меросхўрларни хабардор қилиши шарт.

Нотариус бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида ошкора маълум қилиши ёки хабар бериш йўли билан ҳам меросхўрларни чақириши мумкин.

Мерос очилган жойдаги нотариус қонун ҳужжатларига мувофиқ меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳақидаги аризаларни қабул қилади. Меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳақидаги аризалар ёзма равишда берилиши керак.

Мерос очилган жойдаги нотариус қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қолдирувчининг кредиторларидан даъволарни қабул қилади. Даъволар ёзма баён этилиши шарт.

Мерос очилган жойдаги нотариус, башарти меросхўрларнинг, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиларнинг, кредиторлар ёки давлатнинг манфаатлари учун зарур бўлса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарига кўра ёки ўз ташаббуси билан мерос мол-мулкнинг кўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради.

Мерос гувоҳномаси қимларга берилади?



Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрларнинг ёзма аризаларига кўра меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради. Гувоҳномалар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда берилади. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома барча меросхўрларга биргаликда ёки уларнинг хоҳишига боғлиқ равишда ҳар бирига алоҳида берилиши мумкин.

А.Қурбонов Гулистон шаҳри

Нотариуслар вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз меросхўрларнинг мулкий манфаатларини муҳофаза қилиш учун уларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилганлиги ҳақида меросхўрлар яшаётган жойдаги васийлик ва ҳоймилик органларига хабар қилади.

Мол-мулк ворислик ҳуқуқи бўйича давлатга ёки қонунда назаарда тутилган ҳолларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтган тақдирда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома тегишли давлат органига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига берилади.

Нотариус қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш чоғида тегишли далилларни талаб қилиб олиш йўли билан мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, мерос очилган жой ва вақтни, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб ариза топширган шахсларнинг мерос қолдирувчи билган қонун бўйича ворисликка чақириш учун асос бўладиган муносабатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини, мерос мол-мулкнинг таркиби ва жойини тақдир кўради.

Саволларга Гулистон шаҳар 3-сон ДНИ нотариуси Мухаббат ХУДАЙБЕРДИЕВА жавоб берди.

Гаров шартномаси нима?



Гаров шартномаси ҳақида кўп эшитамиз. Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

И.Маҳмудов Қарши шаҳри

Авалло шуни айтиш керакки, бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулк ёки унга бўлган ҳуқуқни, мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.

Гаров шартномаси ёзма шаклда тузилади. Унда гаров нарсаси ва унинг баҳоси, моҳияти, микдори ва гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилиш муддати, қолаверса, гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги кўрсатилиши шарт.

Ипотeka тўғрисидаги шартнома, шунингдек, кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланши шарт. Ипотeka тўғрисидаги шартнома эса белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ушбу қондаларга риоя қилмаслик гаров тўғрисидаги шартноманинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Саволга Қарши шаҳридаги 2-сон ДНИ катта нотариуси Абурашид ХУРСАНОВ жавоб берди.

Суд ижроси таъминланмас...



Суд қарори асосида менга икки нафар фуқародан умумий қиймати бир ярим миллион сўмдан ортик ҳажмдаги жарима ундирилиши керак эди, бироқ суд ижрозчиларининг совуққонлиги оқибатида бугунги кунга қадар бу масала ҳал бўлмапти. Шундай вaқтда қайси ташкилот ёки муассасасга мурожаат қилишим керак?

Манзура Жабборовва Жиззах тумани Қўшбармоқ ҚФЙ Сўғдиёна кўчаси

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддасига биноан, фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятларида қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирадиган давлат органига бевосита ёки бўйсунув тартибиде юқори турувчи органга берилади.

Қонуннинг мазкур нормасига кўра, суд ижрозчиларнинг ҳарақатлари мурожаат қилишининг мумкин. Департамент директори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари ҳисобланади. Шу боис, тўғридан-тўғри Адлия вазирининг ҳам мурожаат қилишга ҳақлисиз.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузидиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасига кўра, ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликларини бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Саволга «Адолат» газетаси ҳуқуқшуноси Шухрат ЖАҲОНОВ жавоб берди.

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

Дунё устуни адолатдир...

Ўзбек мумтоз адабиётининг йirik намое-даси, машхур давлат арбоби, атоқли саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бой илмий, тарихий ва адабий мероси узок асрлардан буён дунё тадқиқотчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Айниқса, «Бобурнома» асари бадий насрнинг ноёб намунаси сифатида кенг шухрат қозонган. Забардаст шоир ҳар жиҳатдан мукамал, нафис адабий мерос қолдирган.

Алишер Навоий ижодини чуқур билган ва "...ҳеч ким онча кўп ва ҳўб (шеър) айтқон эмас", дея юксак баҳо берган Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоий асарлари катта шухрат қозонган бир шароитда шеърятга қўли уриш қанчалик масъулиятли эканини тўла ҳис этган. У Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини мукамал ўрганди, шеърятдан қучли таъсирланди, қатор ғазал ва рубоийларига эргашиб, ўхшатмалар яратди. Буларнинг барчаси аввало, катта туғма истеъдод соҳиби бўлган Бобур ижодий фаолиятининг жуда эрта камолотга эришувини таъминлади.

Бобурдан бизгача 400 дан ортиқ шеъринг асар этиб келган. Шоир лирикасининг асосий қисмини рубоийлар ташкил этади. Рубоийлар турли мавзуда ёзилган бўлиб, ҳаётсеварлик, романтик рух билан қоришиб кетса-да, Бобур лирикасида ачиқ тақдир зарбаларидан шикоят, фалак

жабру жафоси, даврон ғаму ғуссасидан нола, замон ва аҳли замонадан фиғон устунлик қилишини ҳис этиш мумкин. Бобур рубоийлари хилма-хил бадий бўёқлари билан ўқувчини беихтиёр чуқур ўйга толдиради, мушоаҳада юритишга ундайди. Шеърят назариясини, ҳусусан, аруз қонун-қоидасини бутун нозикликлар билан эгаллаган шоир рубоийлари ниҳоятда энгил ўқилади, тингловчиға завқ-шавқ бағишлайди, ҳаётни севишга даъват этади.




*Ҳар кимки вафо қилса
вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса
жафо топқусидир.
Яхши киши ямонлиғ
кўрмагай ҳаргиз,
Ҳар кимки ямон бўлса
жазо топқусидир.*

Ушбу рубоий шаклан мукамал ҳамда тез эсда қоларли. Бир қарашда унда барчамизга аён бўлган яхшилик ва ёмонлик тушунчалари оддий тилда баён этилгандек туюлса-да, рубоийда чуқур драматизм мавжуд. Бобур яшаган замонда ёки умуман бу ёруғ оламда ҳар доим ҳам вафога вафо бўлганми? Вафо кўрсатган кишидан бевафолик кўрган шахслар йўқми? Айнан Заҳириддин Бобур ўз яқинларидан вафосизлик кўрмадими? Ёки Бобур рубоий орқали ўз қалбига ўзи таскин бермоқчими? «Дунёни кўтариб турган устун аслида — адолат», дейди донишмандлар. Рубоийда шундай тағмаюно яширинганини, шоир сўз ўйинидан юксак маҳорат билан фойдаланганини айтиш лозим.

*Жонимдин ўзга ёри
вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маъраҳи
асрор топмадим.
Ёки:
Ўз жағру ситам кўрган,
минг меҳнату ғам кўрган,
Осойише кам кўрган мендек
яна бир борму?*

— деб ёзган Бобур ижодида вафо аҳлининг қисмати жафо эканлиги ҳақидаги



қарашлар етакчи ўрин тутди, минг вафосига бир вафо кўрмаган тинсоллар жуда кўп учрайди. Унинг лирикасида ўз рухий кечинмалари, изтироблари тасвирланганини назарда тутсақ, шоир ёзган ҳар бир сатрда ҳаёт тажрибаси замиридаги фалсафий ҳулосалар, қарашлар ётишини кўриш мумкин. Инсон тирик экан, ҳамиша яхшилик истайди, жафо қилувчилар жафо топади, деб ишонгиси келади. Рубоийдаги тинсол — яхши киши. Яхши кишига қанчалик ёмонлик қилинмасин, у бундан ҳеч қандай ёмонлик кўрмайди, ёмонликдан ҳам эзгулик излайди, шунинг учун шоир «яхши киши ямонлиғ(ни) кўрмагай ҳаргиз» дейди. Озорқалб шоир ҳар

Шоирлиги шоҳлигидан, шоҳлиги шоирлигидан улуг

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 530 йиллиги муносабати билан Давлат божжона қўмитасида маънавий-маърифий тadbир ташкил этилди. Йиғилганларга Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети катта ўқитувчиси Абдор Хидиров Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тарихида ва ўзбек адабиётида тутган ўрни ҳусусида атрофлича маъруза қилди.

Дарҳақиқат, «шоирлиги шоҳлигидан, шоҳлиги шоирлигидан улуг» дея таърифланадиган Бобур қисқа бўлса-да, нечоғли зиддият ва қарама-қаршиликлар, матонат ва жасоратларга бой, сертахлика ва сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтди. Маълумотларга кўра, Бобурнинг бизгача 119 ғазали, бир масну шеъри, 209 рубоийси, 10 дан ортиқ туюқ ва китъалари, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фардлари этиб келган. Унинг девонидан эса умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган. Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда Бобурнинг бой маънавий меросини ўрганишга, унинг тарихимиз ва адабиётимиздаги ўрнини муносиб баҳолашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фар-



Давлат божжона қўмитаси матбуот хизмати

«Электрон ҳукумат»

Фуқароларнинг давлат ҳокимияти органлари билан доимий, очиқ мулоқотини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларининг роли ортиб бораётганлиги ҳусусида

Давомий. Боши 1-бетда

Сир эмас, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришда шу жамиятда яшаётган ҳар бир кишининг шахсий фикрлари, ташаббуслари, ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик муносабатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Давлат ҳокимияти тармоқлари ва фуқаролар ўртасида ўзаро очиқлик, ҳисобдорликка асосланган информацион ҳамкорлик эса бу жараёнда томонларнинг манфаатларига мос тушиши, аниқ қарор ва ҳаракатларни таъминлаш билан ажралиб туради. Мамлакатимиз Президентининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини жадал ривожлантиришга оид қарор ва кўрсатмалари ҳамда шу асосда парламентда қабул қилинган қатор қонунлар аллақачон жойларда амалга оширилиб, илк самараларини бера бошлагани эса тараққиётимиз йўлидаги янги истиқболлардан далolatдир.

Йилнинг исталган пайтида, йигирма тўрт соат мобайнида, танафуссиз, бюрократик тўсиқларсиз фаолият кўрсатиб давлат бошқаруви идоралари раҳбарларини халққа яқинлаштирадиган, очиқ мулоқотга қорлайдиган ахборот-коммуникация технологиялари ёки «электрон ҳукумат» ўз мохиятига кўра Самарқанд вилоятида ҳам тобора халқлик, оммабоп бўлиб бормоқда. Вилоятнинг қатор давлат бошқаруви идораларида, тadbиркорлик ва бизнес корхоналарида муваффақиятли қўлланилиб, муносабатлар асосидаги ҳисобдорликни, ижро интизомини таъминлашга сезиларли хисса қўшмоқда.

Рақамларга эътибор қаратсак, Булуғтур туманида давлат рўйхатидан ўтган корхоналар сони 1351 тани ташкил этади. 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, давлат солиқ инспекциясига ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этиш учун 1168 та корхонага электрон рақамли имзо (ЭРИ) олинган. Ва, шундай имкониятга эга бўлган

корхона-ташкилотларнинг 1005 таси ҳисоботларини электрон усулда узатишга улгуришган. Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот хизматидан олинган маълумотларга кўра, солиқ соҳасида фуқароларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишлариға бўлган эҳтиётлари ортиб бормоқда. Жумладан, интерактив хизматларга мурожаатлар кун сайин кўпаймоқда. Биргина 2012 йил давомида фуқароларнинг интерактив хизматга мурожаатлари 13 тани, юридик шахсларнинг бюджет ташкил ҳисоб-китоблариға — 99826 тани, солиқ тўловини рўйхатдан ўтказишга — 1236 тани, электрон солиқ ҳисоботларига — 176952 тани, электрон солиқ декларациясига — 1841 тани, солиқ текширувлари натижаларига — 74 тани, жисмоний шахслар «шахсий кабинет»ига — 10707 тани ва юридик шахслар «шахсий кабинет»ига — 715126 тани ташкил этади.

Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг тadbиркорлик субьектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича «Ягона ойна» хизматига 2012 йил давомида фуқаролардан 650 та мурожаат келиб тушган. Шундан электрон ҳужжат тарзидаги мурожаатлар салмоқли қисмини ташкил этади. «Ягона ойна» хизмати ходимлари ҳар битта ҳужжатнинг қабул қилиб олинган кунидан бошлаб ижро муддати туғатига назорат ва кузатув остида бўлишлигини таъкидлайдилар. «Электрон ҳукумат»нинг синчковлиги шундаки, у бирорта фуқаронинг мурожаати жавобсиз қолмаслигини ёки амалдаги ҳуқуқий меъёрлардан четга чиқмаслигини таъминлайди.

Вилоят Адлия бошқармаси ахборот-коммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва фуқаролар билан очиқ муносабатларни таъминлашда ўзини кўпроқ даражада масъул деб ҳисобламақда. Бошқарманинг электрон ҳужжат айланиши тизимида қайд этилган умумий корреспонденциялар сони йил бошида 850 тани, шундан кирувчи ҳужжатлар 540 тани, чикувчи маълум-

отлар эса 310 тани ташкил этади. Адлия бошқармасида базавий давлат интерактив хизматлари сони 5 тани ташкил этган бўлса, бугун улар ҳажмида яна иккита қўшимча интерактив хизматлар пайдо бўлди. Булар — тadbиркорлар ва фуқаролар мурожаатлари бўйича алоҳида интерфаол хизматлардир.

Биз электрон ҳужжатлар айланишини қанчалик кенг йўлга қўйсақ ва тизимда очиқлик шароитини яратсақ, фуқароларнинг ҳамда тadbиркорларнинг ўз ҳуқуқ ва имкониятларини шу даражада кенг тушуни олишлари, қонуний манфаатларини аввало ўзлари химоя қилишлариға имконият яратган бўламыз, — дейди Адлия бошқармаси тарғибот ва ҳуқуқий маърифат бўлими етакчи маслаҳатчиси Аълам Акобирова.

Бу фикрга қўшимча сифатида шуни таъкидлаш лозимки, «Электрон ҳукумат»ни шакллантиришдаги ижобий ютуқлар билан бирга вилоятдаги айрим бошқарма ва ташкилотларда ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш суств кечаётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Ходимларнинг компьютер техникаси билан таъминланиши ҳолати ўрганиб чиқилганда вилоят «Пахтаसानоат» бирлашмасида бу кўрсаткич 69 фоизни, «Қишлоқхўжалиқим» ОАЖда 64, «Электр тармоқлари» идорасида 63, вилоят санитария-эпидемиология назорати марказида 52, вилоят Иқтисодий бош бошқармасида 51 ва «Қишлоққурилишнинг» корхонасида 43 фоизни ташкил этиши аниқланди.

Қисқаси, «Электрон хизмат» ўз вазифасини бажаришга қилишапти. Унинг ҳозиржавоблиги, бюрократиядан холи эканлиги, қонунларга синчков муносабати ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги иштираки ҳамма жойда аққол сезилиб туриши керак.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири

Хидоят

Истиқлол тўфайли жаннатмонанд мамлакатимизда эътиқод эркинлиги қонуний равишда қафолатланди. Деярли унутилоёзган миллий во диний қадриятлар тикланди, диндорларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари, таълим олишлари, адабиётлар нашр этилиши ва оммавий ахборот воситаларидан баҳраманд бўлишлари учун барча шароитлар яратилди. Рўза ва Қурбон ҳайитларининг биринчи кунлари дам олиш кунлари деб белгилашиб, байрам сифатида эълон қилинди.

Барчамиз шу Ватаннинг тенг ҳуқуқли фуқароларимиз. Бу эса зиммамизга катта масъулият ва бurch юқлайди. Айниқса, Ватан равнақи, тинчлиги, осойишталиги ва унинг ҳар томонлама ривожланиб, тараққий топишида ўзаро ҳам-жиҳатлик асосида савий-ҳаракат қилишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Мустақил дeйримиғ йилдан-йилга тараққиётнинг юкори чўққиларига кўтарилиб, аҳолининг турмуш тарзи тобора фаровонлашиб бормоқда. Давлатимиз томонидан кўрилатган чора-тadbирлар натижасида халқнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маданый даражаси янада юксалмоқда. 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб номланишида ҳам катта ҳикमत ва мазмун мавжуд. «Обод турмуш йили»дан қутилидиган энг эзгу мақсад, аввало шаҳару қишлоқларимизни, кўчаю ховлиларимизни, уй-хонадонларимизни янада обод қилиш, оилаларимиз мустахкамлигини таъминлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини бундан-да юксалтиришдан иборатдир. Албатта, турмушимизнинг гўзал ва намунали бўлишида илм-

Турмуш ободлиги

фуқароларнинг юксак маънавияти, мустаҳкам имонига ҳам боғлиқ

маърифатнинг, устозлар, мураббийлар хизматининг алоҳида ўрни бор. Муборак динимизнинг илоҳий таълимотларида ҳам инсон зотининг икки дунёда саодат аҳли бўлиши йўлида кўплаб йўл-йўриқлар, тавсиялар мавжуд. Ислому хидоятдан баҳраманд бўлган ҳар бир киши ўзи яшаб турган жамиятдаги барча инсонларга фойда келтириш, уларнинг маънавий юксак даражада кўтарилишида ёрдам бериш учун ҳаракат қилиши лозим бўлади. Ҳамма вақт савобли амал қилиш, чиройли ниятда бўлиш, эзгу ишларни имон ва ихлол ила бажариш мўмин кишининг шиори эканини яхши билади. Биз «обод турмуш» деганда ҳаётимизнинг моддий фаровонлиги билан бир қаторда ўзимизнинг ўзгаларга нисбатан чиройли муомалада бўлишимиз, ўзимизга хоҳлаган яхшиликни бошқаларга ҳам раво кўришимизни, аҳли аёлларимиз, фарзанду зурриётларимиз, қавму-қариндош, қўни-қўшилар, ёр-


дўстлар, таниш-нонаниш барча инсонларга хушмуомалада бўлишимиз, уларга ёрдам бериш, оғирларини энгил қилишимиз зарурлигини яхши англаймиз. Турмуш ободлиги қалбнинг ободлиги, мусаффолиги билан узвий боғлиқдир. Инсон қалби қанчалик пок ва тоза бўлса, ҳамиша эзгулик, яхшиликка интилади. Шундай экан, яшаб турган мамлакатимизни, шаҳару қишлоқлар, маҳаллаю кўчалар, ховли, уй-жайлар, истиқомат қиладиган хоналаримиз ва иш жойларимизни, ўқув юртларимиз ва дарсхоналаримизни ҳам саранжом-саришта, пок-озода ҳамда обод ва гўзал қиёфада бўлишида ҳаммамиз баробар бурчлимиз ва масъулмиз.

Ҳаётимизнинг фаровонлиги жамият аъзоларининг юксак маънавияти, мустаҳкам имонига ҳам боғлиқ. Имонли киши ҳамма жиҳатдан бошқаларга ибрат, намуна бўлиши лозим. Шунинг учун ўзини мўминман, мусулмонман, шу юртнинг фар-

зандиман дейдиган ҳар бир инсон турмушда ҳам, ишда ҳам, гўзал бўлиши талаб этилади. Фақат ўзимиз бу соҳаларда гўзал, тартибли ва ибратли бўлиб қолмай, аҳли аёлимиз, фарзандларимиз, қўл остидагиларимиз ва таниш-билишларимизни ҳам шунга чақиришимиз лозим бўлади. Албатта, обод турмуш, обод ҳаёт деганда аввалоамбар фаровонлик, тўқиллик, мўл-кўлчилик, қут-барақа, бозорларда арзончиликини тушунамиз. Шу билан бирга бугунги кунда халқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнақи ва юрт тинчлиги деган маъно-мазмунлар билан муҷассам бўлиб кетган.

Таъкидлаш жоизки, юртни ҳар томонлама обод қилиш унга бўлган муҳаббат билан бошланади. Ватанга муҳаббат бу — баландпарвоз сўзлар эмас! Ватанга муҳаббат оиламизга, бизни элу юртга қўшган урф-одатларимизга, миллий қадриятларга, биз туғулиб ўсган тупроқ, отамиз экан ва биз билан бирга улғайган дарахт, онамиз тeбратган бешикка бўлган муҳаббатдир. Фақат буни ҳис қила бил-диш керак, хос. Бундан қалбдан сезмаслик элдан чиқиш дегани. Элдан чиқиш эса, имондан қайтиш демокдир.

«Обод турмуш йили»да ҳам бошлаган хайрли ишларимизни давом эттириб, юртимизнинг тинчлик-осойишталиги, фуқаролар ва миллатларо аҳиллик, ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш, ўзимиз яшаётган маҳаллалар ободлиги ҳақида қай-гуриш, оиламиз ҳамда аҳли аёлимизга муносиб тарзда эътибор қаратиш борасида елкама-елка туриб, ҳаракат қилсак тинч ва фаровон ҳаётимизнинг барқарорлигини таъминлашда ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшган ҳамда турмушимиз янада обод бўлишига замин яратган бўламыз.




Зухриддин ТУРДИМАТОВ,
Наманган вилоятидаги
«Нурмуҳаммад бува»
жомеъ масжиди имом хатйиб

Тиллога тенг томчилар

Шарҳ

Сув ресурслари муаммоси бүгун ҳар бир мамлакат, ҳар бир алоҳида олинган шахсга тааллуқли масалага айланиб бормоқда. Сайёрамизда аҳоли соннинг муттасил кўпаяётгани, иқлим ўзгариши, озик-овқатга бўлган талабнинг ошириб бораётгани ҳам оби ҳаётнинг қадрини нечоғли аҳамиятга эга эканлигини намойиш этапти. АҚШ разведкаси тайёрлаган «Сув ресурсларининг глобал хавфсизлиги» маърузасида таъкидланишича, яқин 10 йил ичида «жаҳонда сув беқарорлиги» юзага келиши, оби ҳаёт манбалари эса босим қуролига айланиши мумкин. АҚШ таъқиқ сийёсат маҳкамаси ушбу маълумотларни шарҳлар экан, дунё аҳолиси ўсишда давом этмоқда, демак, сувга бўлган эҳтиёж ҳам ортада, юзага келган қийинчиликлар эса шубҳасиз, мамлакатлар ичкарисида ҳам, давлатлар ўртасида ҳам беқарорлик хавфини оширади, деган хулосани чиқарган.



Бошқа мамлакатларнинг мутахассислари ҳам дунёнинг бир қатор давлатлари яна 10 йилдан кейин ичимлик сув етишмовчилигини бошдан кечира бошласини, бу ҳолат халқаро муносабатларни келтириб чиқармаса-да, трансчекеравий дарёларда сувлардан босим қурсатиш воситаси сифатида фойдаланиш эҳтимоллари ортисини таъкидлади. Британия мудофаа вазирлиги эса 2006 йилдаёқ ҳукуматни иқлим ўзгариши ва сув етишмовчилиги оқибатида сайёрамизда юз бериши мумкин бўлган катта-кичик урушларга тайёр туриш кераклигини алоқаландирган.

БМТ ундан ҳам илгарироқ сув етишмовчилиги билан боғлиқ муаммоларни кун тартибига кўйгани маълум. 2003 йилнинг декабрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 58-сессиясида 2005-2015 йиллар «Сув ҳаёт учун» халқаро ҳаракатлар унинг илгирлиги, деб эълон қилинган ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Франциянинг Марсель шаҳрида 2012 йилнинг март ойида бўлиб ўтган Сув ресурслари бўйича Жаҳон форуми олдидан БМТ томонидан тақдим этилган маърузада ҳам тоза ичимлик сув таъминотидаги мураккаб вазият атрофлича муҳомада этилган.

Экспертларнинг фикрича, ичимлик сув етишмовчилиги муаммоси глобал иқлим ўзгариши ҳамда ўсиб бораётган дунё аҳолисининг озик-овқат ва гигиена воситаларига бўлган катта эҳтиёжи туфайли чуқурлашапти. Албатта, бунда ичимлик сувининг қитъалар бўйича тенг тақсимланмаганилиги ҳисобга олинмапти. Олайлик, Осиё қитъасида сайёрамизнинг 60 фоиз аҳолиси истеъмол қилаётгани ҳолда минтақада мавжуд сув ресурсларининг атиги учдан бир қисми жойлашган, ҳолос. Маълумки, XX асрда аҳоли сони уч қарра ошган бўлса-да, сув истеъмоли етти баробарга кўпайди. Бундан ташқари, жаҳоннинг 40 га яқин давлати сув етишмайдиган ҳудудларга эга жойлашган. Улар четдан келадиган сувга қарамади. Шу боис сезиларли сув захирааларига эга бўлган давлатларнинг роли ва аҳамияти ошириб бораверади. Демак, улар сув тақсимида азият чекаётган давлатларга нисбатан кучли иқтисодий ва сийёсий босим воситасига эгадирлар. БМТ маълумотларида қайд этилишича, дунёда сабаби сувга бориб тақаллаган 300 га яқин кат-

та-кичик келишмовчиликлар мавжуд. Сўнгги ярим аср мобайнида дунёда сув ресурслари билан боғлиқ 500 дан ортик баҳсли ҳолат юзага келган бўлиб, уларнинг 20 таси ҳарбий ҳаракатлар билан яқин тоғлан. Ҳозирча совуқ сув урушлар ўчоғи сифатида кўпроқ Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари тилга олинмоқда. Мисолан, Туркия Дажла ва Фрот дарёлари узра 22 та тўғон ва 19 та электрстанциялар қургани натижада сув оқими икки баробарга камайган, оқибатда Ироқнинг сувга бўлган эҳтиёжи қопланмай қолаётти.

Исроил, Фаластин, Сурия ва Иордания эса Иордан дарёси сувининг тақсимоли масаласида муттасил баҳс-мунозаралар олиб бормоқда. Мазкур дарё оқими устидан асосий назоратни қўлга кiritган Исроилнинг фаластинликлар сув истеъмолига чеклов ўрнатгани Яқин Шарқ тинчлик жараёни доирасидаги энг муҳим муаммолардан биридир. Ўз навбатида, Сурия ҳам Ярмуқ дарёсининг маълум қисmini ўз мамлакат ичкарисида киритиб олганки, оқибатда Иордан дарёси сатҳи бирмунча камайган. Натижада Исроил сувни Туркиядан сотиб олиб, танкерлар орқали Ашкелон портига келтиришга мажбур бўлмоқда. Демак, Яқин Шарқни ҳозирданок сув масаласидаги энг қалтис ҳудуд, деб аташ мумкин.

Сув тақсимоти муаммоси Амударё ва Сирдарё ўзанида жойлашган Марказий Осиё давлатлари учун ҳам бегона эмас. Дарёларнинг юқори қисмида жойлашган давлатларнинг халқаро экспортга ўтказмай туриб, йирик гидроиншоотлар қуриш режаси кенг жамоатчиликини хавотирга солаётганининг боиси ҳам ана шунда. Тожикистонда дунёда энг йирик ГЭС, яъни 3,6 миң МВт кучга эга бўлган, тўғоннинг баландлиги 350 метр ҳамда йилга тахминан 13 миллиард кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарадиган иншоотни қуриш ўрнига қуввот энергиясидан ва кичик маладилардан фойдаланса, муаммо юзага келмаслиги, минтақа экологиясига ҳам хавф туғилмаслиги халқаро матбуотда тез-тез тилга олинмадиган мавзулардан бирига айланди. Уларда асосан Тожикистонда электр энергияси ишлаб чиқарадиган ГЭСлар қуриш мақсад қилиб қўйилган экан, ўзига ва ён қўшниларига

зарар келтирадиган Роғун ГЭСидек улкан иншоотни қуришга сарфланадиган маблағни шунча электр энергия ишлаб чиқара оладиган кичик ГЭСлар бўнад этишга сарфлаб, аҳоли фаровонлигига кўпроқ эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлиши таъкидланапти. Бундай улкан иншоот табиий фалокат гирдо-бида қолса, нафақат тожикистонликлар, балки дарёнинг қуйи қисмида жойлашган қўшни давлатлар фуқароларининг ҳаёти хавф остида қолиши турган гап.

Айтиш жоиз: сув инсониятга турли шакл ва йўللار билан келди — кимдир сувни ариқ, дарё ёки кўлдан олиб ичади, кимлардир чуқур қудуддан захмат чекиб оби ҳаётни тортиб чиқаради, яна кимдир муз эритиб орқали сувга бўлган эҳтиёжини қондирса, баъзилар ёмғир ёки қор ёғишини қудудлар. Бирок қайта тикланадиган сув манбалари микдорининг «тортилиб бораётгани» турли мамлакатларда турлича кеча-ётти. Айрим мамлакатлар сувга бой, аммо улар ҳам баъзи-баъзида қурғоқчилик билан юзма-юз келиб турадилар. Баъзи мамлакатлар ҳар бир томчи сувни тежашга интиладилар, бироқ у ерларда ҳам сув тошқинлари рўй бериб турибди. Иқлим ўзгариши боис қаерда нима бўлишини олдиндан баъшорат қилиш эса тобора мушқуллашиб бормоқда.

БМТнинг Озик-овқат ва дехқончилик масалалари бўйича ташкилот FAO фойдаланилаётган сув микдори мавжуд қайта тикланадиган сув манбалари захирасидан кўпайиб кетаётган жараёнда икки ҳудудга эътибор қаратади. Биринчи ҳудуд чуқур сув сарфи захирадаги сув микдоридан 50 фоиздан зиёдн ташкил этаётган Арабистон ярим оролидир. Бу зарур ичимлик сув четдан танкерларда ёки қувурлар воситасида ташиб келинаётгани денгиз суви шўрсизлантирилиб чуқулаштириллаётганингилангатади. Босим остида бўлган яна бир ҳудуд Шимолий Африка ҳисобланади. Ливия ҳамда Мисрда бу борада ўзига ҳо муаммолар мавжуддир. Бутун минтақа микёсида олинса, Шимолий Африка мамлакатлари мавжуд чуқур сув манбаларининг ярмини истеъмол қилаётгани маълум бўлади. Бу ерларда асосий муаммо

катта ҳудудларнинг қуруқлик эканлиги эмас, балки ҳудудда дунё аҳолисининг катта қисми яшаши-дадир. Мисол учун, Жанубий Осиё тоза ичимлик сув захирааларининг 57 фоиздан фойдаланиши назарда тутсақ, масала янада ойдинлашади. Шу боис сувни исроф қилмаслик, мавжуд захирааларни тежамкорлик билан бошқариш борасида қатор қарорлар қабул қилинапти. Кўпчилик мамлакатларда об-ҳаётни асраш ва ундан самарали фойдаланиш юзасидан қонун ҳам қабул қилинган. Бирок улар ҳозиргача қўрилган натижани бермапти.

Сўнгги ҳисоб-китобларга кўра, дунёда сарфланаётган чуқур сувнинг 70 фоизи қишлоқ ҳўжалиги, 20 фоизи санавтот ишлаб чиқариши, атиги 10 фоизгина маъши истиъмолга йўналтирилапти, ҳолос. Жумладан, 2050 йилга бориб экинзорларга об-ҳаёт захирааларининг 90 фоизигача ажратилиши кўтилмоқда. Айрим мамлакатлар ҳозирданок ўзларининг сув ресурсларини тугатиб бўлганлиги ачинарли ҳол, албатта.

Шунингдек, бугунги кунда электр энергиясига бўлган талабнинг ортиб бораётгани ҳам айнан сув билан боғлиқдир. 2030 йилга бориб бундай эҳтиёж 55 фоизни ташкил этиши кўтилмоқда. Фақат Хитой ва Хиндистоннинг ўзидагина бу кўрсаткич тахминан 45 фоизга етиши мумкин. Шу боис мутахассислар келгусида йирик ГЭСларга нисбатан кичик ҳажмдаги, ҳусусан, 10 МВт қувватли гидроэнергетика иншоотларини ривожлантириш мақсади мувофиқлигини таъкидлашмоқда. Айни пайтда биргина Хитойнинг ўзида ана шундай қуриллаётгани мазкур йўналишда илғор тажрибалар мавжудлигини кўрсатапти.

Демак, инсоният сув билан боғлиқ инқироз қачон келаркин деб қўл қовуштириб ўтириши эмас, балки муаммонинг олдини олгани муҳим. Айнан шу сабабли ҳам, сув масаласи ҳар бир мамлакат ички ва ташқи сийёсати устувор йўналишига айланб бораётгани беҳиз эмас.

Тоза ичимлик сув тақчиллиги кучайиб бораётган ана шундай шароитда сув ресурсларининг са-

марали бошқарув тизимини ишлаб чиқиш энг долзарб вазифа ҳисобланади. 2030 йилга бориб сайёрамиз аҳолисининг 47 фоизига тоза сув етишмаслиги муаммоси хавф солиши эҳтимолини назарда тутсақ, масала янада ойдинлашади. Шу боис сувни исроф қилмаслик, мавжуд захирааларни тежамкорлик билан бошқариш борасида қатор қарорлар қабул қилинапти. Кўпчилик мамлакатларда об-ҳаётни асраш ва ундан самарали фойдаланиш юзасидан қонун ҳам қабул қилинган. Бирок улар ҳозиргача қўрилган натижани бермапти.

Сўнгги ҳисоб-китобларга кўра, дунёда сарфланаётган чуқур сувнинг 70 фоизи қишлоқ ҳўжалиги, 20 фоизи санавтот ишлаб чиқариши, атиги 10 фоизгина маъши истиъмолга йўналтирилапти, ҳолос. Жумладан, 2050 йилга бориб экинзорларга об-ҳаёт захирааларининг 90 фоизигача ажратилиши кўтилмоқда. Айрим мамлакатлар ҳозирданок ўзларининг сув ресурсларини тугатиб бўлганлиги ачинарли ҳол, албатта.


Шунингдек, бугунги кунда электр энергиясига бўлган талабнинг ортиб бораётгани ҳам айнан сув билан боғлиқдир. 2030 йилга бориб бундай эҳтиёж 55 фоизни ташкил этиши кўтилмоқда. Фақат Хитой ва Хиндистоннинг ўзидагина бу кўрсаткич тахминан 45 фоизга етиши мумкин. Шу боис мутахассислар келгусида йирик ГЭСларга нисбатан кичик ҳажмдаги, ҳусусан, 10 МВт қувватли гидроэнергетика иншоотларини ривожлантириш мақсади мувофиқлигини таъкидлашмоқда. Айни пайтда биргина Хитойнинг ўзида ана шундай қуриллаётгани мазкур йўналишда илғор тажрибалар мавжудлигини кўрсатапти.

Демак, инсоният сув билан боғлиқ инқироз қачон келаркин деб қўл қовуштириб ўтириши эмас, балки муаммонинг олдини олгани муҳим. Айнан шу сабабли ҳам, сув масаласи ҳар бир мамлакат ички ва ташқи сийёсати устувор йўналишига айланб бораётгани беҳиз эмас.

Тоза ичимлик сув тақчиллиги кучайиб бораётган ана шундай шароитда сув ресурсларининг са-

Саратонни аниқлашда биоэлектр сигналларидан фойдаланилди

Тафт университети қошидаги фан ва санъат билим юрти биологлари ўсма пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳужайраларни аниқлашга қодир биоэлектр сигнални кашф этишди.



Улар ўзларининг тадқиқотлари домида ҳужайра мембранасига электр зарядлари орқали таъсир ўтказиб саратон ҳужайралари микдорини камайтириш мумкинлигини ҳам аниқлашди.

«Бунинг биз учун янгилик жиҳати шундаки, саратон таълигини эртароқ аниқлаш учун биоэлектрдан фойдаланиш мумкин экан», дейди эълон қилинган мақола муаллифи Брук Кернет. Мазкур мақолага Регенератив ва эволюцион биология маркази директори, биология фанлари бўйича профессор Майкл Левин ҳам муаллифлик қилган.

Левиннинг фикрича, электр ҳодисаларнинг ҳужайраларга таъсир ўтказиши нафақат саратон белгиси, балки саратон пайдо бўлиши ёки бўлмаслигини аниқлашда ҳам қўлувчи омил ҳисобланади.

Биоэлектр сигналлари ҳужайраларнинг ўсиши ва кўпайишини тартибга солувчи энг муҳим механизмлар тўплами асосида ҳаракатланар экан. Хепориз курбақаси эмбриониди ҳужайранинг ўсмага айланиш хусусиятини Кернет ва Левин айнан биоэлектр ёрдамида тадқиқ этганлиги бунинг яққол мисолидир.

Тадқиқотчилар инсонларда кўп учрайдиган Gli1, KrasG12D ва Xrel3 генлари билан бирга мРНК нануаларини курбақа эмбрионларига киритиб ривожланаётган ўсмага бевосита таъсир ўтказиш олдилар. Инсонларда учрайдиган меланом, лейкомия ва ўпка саратони

ва рабдомиосаркома каби ўсмага ўхшаш бўртиқлар эмбрионларда ҳам пайдо бўлди. Олимлар мембрананинг сезгир жойларини бўяб, ўсма ҳужайрасини таҳлил қилганларида ҳайратомуз янгиликни кашф қилдилар. «Ўсма чиққан жойлар ён-атрофидаги тўқима билан солиштирилганда мембрананинг кўтбсизланган ноёб кучлишига эга бўлди», дейди Кернет.

Ҳужайраларни гиперполяризациялаш учун биоэлектр кодининг ўзгариши ҳужайраларнинг ҳаддан ортик ўсиб кетишига тўқинлик қилишини мутахассислар исботлаб беришди. «Биз онкогенлар орқали ўсма пайдо бўлиш жараёнини мембрана кучлишини ўзгартириш орқали тўхтатишни таҳмин қилган эдик ва биз ҳақ бўлиб чиқдик», дейди Левин.

Ушбу жараёнда ўсмадан вуҷудга келган деполаризацияга қарши курашиш учун эҳтиёткорлик билан саралаб олинган ион каналлари билан бирга мРНК ҳужайраларидан фойдаланилди. Саратон шаклланишига тўқинлик қилиш мақсадида гиперполяризациядан фойдаланилган ҳужайра механизмини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалар ўсман тўхташида бутират (туз ёки эфир мойи кислотаси) самарали таъсир қилган.

Тадқиқот ишлари АҚШ Соғлиқни сақлаш миллий институти грантлари ва бошқа қатор хайрия жамғармаларининг грантлари билан молиялаштирилди.

Дума тамакига қарши


Россия Давлат думаси сешанба кўни учинчи, якуний ўқишда «Атроф-муҳитдаги тамаки тутуни таъсирдан ва тамаки истеъмол қилиш оқибатларидан фуқаролар соғлигини химоялаш тўғрисида» қонун лойиҳасини кўриб чиқди.



Унинг матни Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши кураш конвенциясига мос тарзда тайёрланган бўлиб, ушбу ҳужжат давлат муассасаларида, олий ва ўрта махсус билим юртиларида, мактабларда, шифохоналарда, стадионларда, рестороноларда, поездларда, вокзалларда ва метрога кириш жойларида чекишни тўлиқ ман этади. Чекиш учун махсус ажратилган жойлар фақат корхоналар ва офислардагина сақланиб қолади.

Янги қонунга кўра барча оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, интернетда ҳам тамакини реклама қилиш, шунингдек тамаки ишлаб чиқарувчи компаниялар томонидан амалга ошириладиган ҳомийлик фаолияти тақиқланади. Меценатлик (ихтиёрий ёрдам кўрсатиш) фаолиятига эса рўхсат этилади, аммо тамаки кўринишидаги маҳсулотлар — сигарет шаклидаги сақланиш ишлаб чиқариш ва сотишни рағбатлантирувчи фаолият тақиқланади. Бундан ташқари, қонун лойиҳаси носавдосига рўхсат этиб, электр сигаретларни ман этади.

Қонун лойиҳасида тамаки маҳсулотларини сотиш ҳуқуқи эга бўлган савдо объектларининг майдони бўйича чекловлар олиб ташланди. Энди



дўконларда ва павилонларда, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса бошқа савдо объектларида ёки мол ташиб келтириладиган чакана савдо услубидаги тамаки савдосига рўхсат берилади. Бу тузатиш тамаки маҳсулотларининг ҳудудларида сунъий равишда камайирилишига йўл қўймайди. Янги қонун 2013 йил 1 июлдан амал қила бошлайди ва унинг баъзи моддалари 2014 йилнинг 1 июнидан қучга киради. 2014 йилдан эътиборан сигаретлар билан савдо қилишга фақат стационар дўконлардагина йўл қўйилади. Ниҳоят, 2017 йилнинг 1 январидан тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Россия ҳудудида тамаки маҳсулотларини олиб кириш ва олиб чиқиш, тамаки маҳсулотлари билан уложури ва чакана савдо қилиш ҳисобини юритиш тўғрисидаги ни юритиш тартиби Россия Федерацияси ҳукумати томонидан белгиланади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР,
БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“СИРДАРЁ-СҮҲ” ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИК-МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: ЛОТ 7
ЛОТ 7.1. Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги «К-4-3-1» хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=106,110 км).
Бошланғич нархи — 560 770 219 сўм ҚҚС сиз.
Топириш муддати — 30 март 2014 йил.
ЛОТ 7.2. Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги «КФК бўйлама» хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=179,438 км).
Бошланғич нархи — 1 206 303 361 сўм ҚҚС сиз.
Топириш муддати — 30 апрель 2014 йил.
Буюртмачи: «Сирдарё-Сүх» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеологик-мелиоратив экспедицияси.

Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови — 35 фоиз.
Талабдор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шарҳларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз микдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилик қўшилган қиймат солиғиндан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта

етказиб берилмаган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси кўшимча равишда ҳисобга олинади.
Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, Темирийўзлар кўчаси 37-уй. Телефон/факс: (8-373) 224-18-71.
Танлов ҳужжатларининг бир түпلامининг нархи — 63 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда оферталарни очиб қуни ва вақтигача қабул қилинади.
Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 72-уйда ўтказилади.

04.09.1991 йилдаги Тошкент шаҳар, Чилонзор 8 мавзе, 25-уй, 23-хонадонини олд-соғди шартномасига асосан Чилонзор тумани Ер ресурслари ва давлат қадасери бўлими томонидан 15-1304-сон реестр рақами билан Худайберенов Рузмет номига расмийлаштирилган қадасер ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тежамкорлик виждон ишимизга айлансин

Мулоҳаза

Болалигиндан хотиранга ўрнашган, оила, маҳалла ва мактабдаги тарбия, устоз-мураббийларнинг ўғитлари боис онг-шуурингга синган, хотиранга ўрнашиб қолган нарсалар бир умр маънавий-ахлоқий қадрият сифатида ёдингдан кўтарилмайди. "Сувга тупурма, нонни исроф қилма, нон азиз, ушоғи ундан азиз, бунни унутма, ахлатни дуч келган жойга ташлама, исрофгарчиликка йўл қўйма", деган насихатларга шу боисдан ҳам қатъий амал қиламиз. Ота-боболарнинг бу сўзларини унутган ёки ёшлигида бундай тарбия олмаганлар маънавияни ариққа оқизаётган, нон бўлақларини ахлатга ташлаб юбораётган, сувни исроф қилаётган, ернинг умрини бекорга ўтказиб кетиётган бўлишса, бундай кишиларнинг номуносиб қилмишларидан қаттиқ ранжиймиз.

Бугун беистисно ҳамма жойда табиатни асраб-авайлаш, унга зугум қилмаслик, ерсти ва ерусти бойликларига тежамкорлик билан муносабатда бўлиш тўғрисида бетўхтов гапирилмоқда.

Кейинги пайтларда жаҳон матбуоти, жамоат ташкилотлари, сиёсий партия ва ҳаракатлар, нодавлат ва нотижорат уюмлари бу иш билан жиддий ва самарали шуғулланмоқдалар. Инсон фаолияти, илмий-техник тараққий туфайли атроф-муҳитга етказилаётган зарарнинг салбий оқибатлари фактлар, рақамлар, қиссаларнинг хуружи, дарё ва кўлларнинг қуриши, сув тошқинлари, мислсиз тўфонлар, ер силкенишлари, кўллар ва йўлларнинг ҳайвонот турлари, ноёб ҳайвонларнинг таъмирлари йўқолиб кетгани мисоллар кўрсатиб бери

рилмоқда. Дунё олимлари бу фалокатларнинг бевосита ва билвосита сабабларини ўрганишмоқдалар. Экология фидойилари сизу бизга бугун ҳам, эрта ҳам керак бўладиган табиий бойликларимизнинг таъмирини қўриқчилари сифатида фаолият олиб бормоқдалар. Атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган йирик анжуманларда мавжуд муаммоларнинг ечимини билан боғлиқ тавсиялар ишлаб чиқилаётган, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган завод ва фабрикалар, ҳудудий қорхоналарнинг мутаассидларига маъмурий жазо чоралари белгиланмоқда.

Бир қарашда, ҳамма иш жойида. Аммо бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг натижасидан қониқиб ҳосил қилишимизга ҳали эрта. Илмий таҳлилларида айтилишича, она-ер

бағридан қазиб олинаётган табиий бойликлар адоқсиз, битмас-туганмас нарсалар эмас. Саноат эҳтиёжлари шу йўсинда ошиб борар экан, инсон нима қилиб бўлмасин, ўз эҳтиёжларини қондиришга қатъий бел боғлаган экан, табиий вақти-соати келиб фойдали қазилмаларнинг ҳам таги кўринади. Бу фикрга кимдир қўшилмаслиги мумкин. Негаки, ҳали аниқланмаган, ўрганилмаган, фойдаланишга топширилмаган табиий конлар жуда кўп. Аммо, ётиб ёганга тоғ ҳам чидамайди, деган гап бор.

Табиатда ортиқча ҳеч нарса йўқ. Ҳамма нарсанинг ўз ўрни, зарурати мавжуд. Бир ерда анқонинг уруғи бўлган нарсани бошқа бир жойда бўлиб-тошиб ётган ёки аксинча бўлиши табиий ҳол. Аммо, шунинг унутмаслик кераки, табиий бойликлар фақат бизнинг эмас, бу ёруғ оламга биздан кейин кетиладиган, биз каби яшаб, умргузаронлик қиладиган, мусофҳо ҳаводан, гўзал табиатдан завқланадиган қанчадан-қанча авлодларнинг ҳам ризқ-насибаси. Биз фақат ўзимизни, ўз роҳатимизни эмас, уларнинг ҳам роҳат-фароғатини ўйлашимиз керак.

Телевидениеда бочкаларга жойлаб, денгиз тубига ташлаб юборилган, океаннинг катта бир ҳудудини жамики жонотлари, ноёб ўсимликлари билан бирга заҳарлашга қодир радиоактив моддаларнинг гаввослар топиб, юқорига олиб чиқилганини намоён қилишди. Денгиз жонотлари одам боласининг бундай қилмишларига норозилик билдиргандай, тўда ҳолида жонларига қасд қилаётганларини ҳам кўрдик. Табиатга, сув ҳавза-

ларига нисбатан муносабат шу зайдда давом этаверса, одамзот эртага бундан-да ташвишли, бундан-да аянчли, ўнглаб, тузатиб бўлмайдиган муаммоларга дуч келиши муқаррар.

Чикиндиларни ёқиш, экин майдонларига ўт қўйиш — табиатга зиён-заҳмат етказишнинг даҳшатли усули эканини олайлик. Бу номақбул иш, таассуфки, ҳамон давом этаётган. Энг ёмони — сув йўлларига ҳеч қандай руҳсатсиз, лойихасиз "қўлбола" иморатларнинг қурилатгани. Фақат шахсий даромадни ўйлайдиган айрим тадбиркорлар бу билан табиатни муҳофазасиз қилишга доир қонун талабларини, ҳалқимиз неча минг йиллар давомида амал қилиб келадиган эзгу фазилатларни менсимайтгани бағоят афсуслик кераки, табиий бойликлар фақат бизнинг эмас, бу ёруғ оламга биздан кейин кетиладиган, биз каби яшаб, умргузаронлик қиладиган, мусофҳо ҳаводан, гўзал табиатдан завқланадиган қанчадан-қанча авлодларнинг ҳам ризқ-насибаси. Биз фақат ўзимизни, ўз роҳатимизни эмас, уларнинг ҳам роҳат-фароғатини ўйлашимиз керак.

Дунёнинг ривожланган кўплаб мамлакатларида йўлга, йўлакка, хиёбон четида ташланган бир парча қоғоз, мева пўчоғи ёки сигарета қутиси учун айбдорни дарҳол жаримага тортишади. Лабингизга кистирилган сигаретани белгиланмаган жойга ташласангиз ёки озгингиздаги сакчинни дуч келган жойга туфлаб юборсангиз, анча-мунча маблағингиздан айрилсангиз. Жамоат жойларида, умумий ҳордиқ масканларида, аэропорт ва вокзал биноларида, шаҳар транспорт бекатларида бунга жиддий эътибор беришари керак.



Баъзи Шарқ мамлакатларида ичимлик сувидан тежамкорлик фойдаланиш, бу ноёб неъматнинг бир томчисини ҳам исроф қилмаслик бола онгига она алласидай жуда ёшлигидан синдирилади. Европада бой-бадавлат кишилар ҳам тушлик чоғи ортиб қолган бир бўлак нонни салфеткага ўраб олиб кетадилар. Саудия Арабистонидан, Миср ёки Япониядан келган меҳмонлар ҳовлиларимизда эртдан кечгача шариллаб оқиб ётган, беҳуда исроф бўлаётган зилол сувни, туни билан ёқиб қўйилмайдиган электр чироқларини кўриб, хайратдан ёқа ушлашади. Тўй-ҳашамларимиздаги исрофгарчиликни улarga тушунтириб бериш жуда қийин. Мамлакатимизда қоғоз саноати энди-энди ривожланмоқда. Бу маҳсулот асосан четдан валюта хисобига олиб келинади. Шун-

га қарамай, қоғозни фақат бир томонига ёзмайсиз, исроф қилариз. Бу хусусдаги талаб ва кўрсатмаларга амал қилмаймиз. Болтиқбўйи мамлакатларида ўрмон бизнинг мамлакатдагидек нисбатан бир неча баробар кўп. Аммо уллар уй-жой қурилишида ёғочни бизга нисбатан бир неча баробар кам ишлатишади, яъни тежамкорлик қилишади.

Тежамкорлик улуг аждодларимиздан бизга қолган эзгу фазилатлардан бири. "Тежолли иш — бежоғли", "Уйиб олсанг ўн кунга, қириб олсанг қирқ кунга етади", "Исроф имондан айиради", дея беҳиз айтилмаган. "Ёнлар, ичингчиликни улarga тушунтириб бериш жуда қийин. Мамлакатимизда қоғоз саноати энди-энди ривожланмоқда. Бу маҳсулот асосан четдан валюта хисобига олиб келинади. Шун-

дарвозаси ёнига, дала ҳовлиларига, сув ҳавзалари қирғокларига, тўйхоналарга биттадан қоровул қўйиб чиқишинг иложи йўқ. Қоровул виждонимизда, имонимизда, инсоф-диёнатимизда бўлмоғи керак. Бунинг учун одамларнинг, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини ошириш, улари тежамкорликка ўргатиш, зарур маълумотлар, таҳлиллар билан қуроллантириш лозим бўлади. Бу ишда бизга жамоатчилик назорати, сиёсий партияларнинг ёшлар қаноти, ижтимоий фаол йигит-қизлар кўмакчи бўлиши мумкин. Жумладан, "Адолат" социал-демократик партияси олға сураётган муқобил энергия манбаларини топиши ва улاردан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида янги тежамкор технологияларни янада кенг қўллаш, Ўзбекистон Республикаси Экология ҳаракати, табиатни муҳофазасиз қилиш Давлат қўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, "Маҳалла" хайрия жамағатлари ва бошқа қатор жамоатчилик ташкилотлари биргаликда амалга оширадиган тарғибот-ташвиқот тадбирлари, турли танловлар, тежамкорликни рағбатлантириш, шубҳасиз, ижобий натижаларга олиб келади.

"Шу азиз Ватан — барчамизники!" Демак, бу Ватанимизнинг жамики бойликларини асраб-авайлаш, янги бойликлар яратиш, келажак авлодларнинг фароғати учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни юзага келтириш ҳар биримизнинг виждон ишимизга айланмоғи лозим.

М. АҲМЕДОВ

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч



Ф. Абдураҳмонов (ЎА) олган сурат.

Самарқанд вилояти мудофиа ишлари бошқармасининг чақирув-Йигув пунктида мuddатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни армияга тантанали кузатиш маросими ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар, чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Куролли Қўлларидан амалга оширилайётган ислохотлар бугун юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги, ҳалқимиз осойишталигини таъминлашга қодир профессионал миллий армия шаклланиб, унинг сафарларида хизмат қилиш ҳар бир

ўғлон учун улкан шон-шараф ишига айлангани қайд этилди. Маросим қатнашчилари жисмоний ва маънавий етуқлиги туфайли барча синовдан муваффақиятли ўтиб, ана шундай шарафга муяссар бўлган йигитларга оқ йўл тиладилар.

— Бугун илк бор ҳарбий либос кийиб, зиммамда нечоғли катта масъулият борлигини чуқур ҳис этдим, — дейди чақирилувчи Зухриддин Шарифбоев. — Чунки кўплаб тенгдошларимиздан айнан биз мuddатли ҳарбий хизматга йўл олмоқдамиз. Биз, албатта, бу юксак ишончни оқлаб, Ватанимиз ва ҳалқимизга садоқат билан муносиб хизмат қиламиз.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши партиянинг Яққасарой туман Кенгаши раиси Жасур Ҳамроевга отаси **Санакул ҲАМРОЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихоз этиди

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Директор ТОШМУҲАМЕДОВА, Имомил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазонир ХУҲАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Мухаммад АЛИ, Муқаррамдон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Таъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

Бosh муҳаррир вазиффасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54; Маълумот, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (142); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (факс); Копият — 288-42-06 (148).

Навбатчи муҳаррир — А.ЙҮЛДОШЕВ. **Навбатчи —** Ф.ХИДИРОВ

«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳрият мазали: 100043, Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

ISSN 2091-5217

9 772091 521004

«Шарқ» НМАК бизнесонасида чоп этилди. Қорхона мазали: Тошкент шаҳри Буюқ Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—200. Ҳажми — 4 бома табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 15086 Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.00 1 2 3 4 5

Қушларни авайлаш

сув ҳавзаларини асрашда ҳам намоен бўлади

Экология

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси ва «Чинор» экологик наشريёт компанияси «Биохилма-хилликни муҳофазаси қилишда сувли-ботқоқли ҳудудларнинг аҳамияти ва истиқболлари» мавзусида матбуот анжуманини ўтказди. Тадбирда республикамиздаги кўллларнинг бугунги кундаги ҳолати, Ўзбекистон орнитофаунасини сақлашда сувли-ботқоқли ҳудудларнинг роли ва аҳамияти ҳамда «Қоплон» экожурналистлар танловининг бошланиши тўғрисида атрофлича маълумотлар берилди.

Бир қарашда киши кўзига унчалик катта аҳамиятга эга бўлмаган жойлардек кўринадиган сув ҳавзалари ва ботқоқликлар, аслини олганда минералларга бой ва айниқса, қушлар учун сеvimли маскан ҳисобланади. Биохилма-хилликни муҳофазаси қилишда сувли-ботқоқли ҳудудларнинг аҳамияти жаҳон ҳамжамияти томонидан инобатга олинган, Эроннинг Рамсар шаҳрида 1971 йили «Халқаро аҳамиятга эга бўлган, асосан, сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари ҳисобланган сувли-ботқоқли ҳудудлар тўғрисида» халқаро Конвенция имзоланди. Ушбу Конвенциянинг асосий мақсади сувли-ботқоқли ҳудудларни муҳофазаси қилиш ва улардан оқилона фойдаланишдан иборат. Мазкур ҳудудлар ўзининг сув ҳамда биологик ресурслари билан дунё аҳолиси кўпчилик қисмининг эҳтиёжини қондириши билан бирга мумкин ва қўчиб ўтувчи қушлар учун қўлай истиқомат манзили бўлиб хизмат қилиши билан ҳам бениҳоят катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси ер шарининг мана шундай сувли-ботқоқли ҳудудлари мавжуд бўлган минтақалари қаторига кирайди ва глобал биологик жараёнларнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Шу муносабат билан 2001 йил 30 августдаги Олий Мажлиснинг 278-сонли қарорига асосан ҳазирда 163 та мамлакат томонидан имзоланган бу Кон-

венцияга Ўзбекистон ҳам қўшилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг Бионазорат бошқармаси бошлиги Александр Григорьян «Биохилма-хилликни муҳофазаси қилишда сувли-ботқоқли ҳудудларнинг аҳамияти» мавзусида маъруза қилди.

— Бугунги кунда республикамизда 505 та сув омбори ва 500 дан ортиқ кўллар мавжуд бўлиб, уларда 150 турдаги сув қушлари яшади. Ўтган 2012 йили қушларни асраб-авайлашда глобал аҳамиятга эга бўлган жойлар рўйхатиға Ўзе-

«Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан нафақат умуммиллий миқёсда, балки муайян ҳудуд шороитларида атроф-муҳит инфослангани, аҳоли саломатлигини ҳимо қилиш билан боғлиқ қонунчиликдаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилади.
Партия дастуридан

кестиннинг 25 та сув ҳавзаси киритилди. Жумладан, Қорқалпоғистон Республикасида жойлашган Жодирбас, Аклетки ва Сарикамиш кўлларида қушларнинг 230 тури, Навоий



вилояти Учқудук туманидаги Оқсой қўлида 300 га яқин, Хоразм вилоятидаги балиқчилик ҳўжаллиги ва ёндощ кўлларда 140 тури, Бухоро вилоятидаги Қорақир, Тўдақўл, Қуйимозор, Зикри кўлларида 230 дан зиёд тури, Бухоро вилоятидаги Денгизқўлда 133 тури, Навоий ва Жиззах вилоятларидаги Айдар-Арнасой кўллар тизимида 230 дан ортиқ тури яшади.

Ўтган йили Жанубий Орол-буёида нобарқарор сув режимиға эга бўлган 11 та сув ҳавзаси аниқланди. Буларнинг орасида Машанқўл кўли энг кўп биохилма-хиллик ҳўжм сураётган сув ҳавзаси деб то-

пили. Ушбу сув ҳавзасини тадқиқ этиш ишлари 2013 йилда ҳам давом эттирилиб, орнитология масканларини ташкил қилиш юзасидан тақифлар ишлаб чиқиши режалаштирилган. Ортимиздаги мавжуд халқаро аҳамиятга эга бўлган сув ҳавзалари ер юзиде йўқолиб бораётган қушларнинг 32 туридан 24 турини ўз бағриға олган. Бу сув ҳавзаларида яшовчи қушларнинг 20 тури Ўзбекистон Қизил китобига киритилган. Ватанимизнинг сувли-ботқоқли ҳудудлари халқаро миқёсда тобора камайиб бораётган мамлакатимиздаги мавжуд қуш турларининг 75 фоизи учун асосий яшаш манзиллари ҳисобланади.

— Кенг жамоатчиликни мамлакатимиздаги асраб-авайлашни зарур бўлган табиат дурдоналари билан таништириш ишларида журналистлар фаолиятдан кенг фойдаланиши лозим, — дейди «Чинор» экологик наشريёт компанияси директори Мурод Носиров. — Бу борада журналистларнинг маълум бир қисмини экологик жараёнларға жалб қилиш ва

улар орасидан экожурналистларни етиштириб чиқариш мақсадида айнавий йиллик «Қоплон» республика танловини давом эттирмоқдамиз. Танлов шартлари жуда оддий. Унга қўра республикамизнинг барча ҳудудларида телевидение, радио, матбуот ва интернет орқали бериб бориладиган экологик мавзулардаги ҳар қандай публицистик материал танловға топширилиши мумкин. Мазкур танлов аҳолининг экологияға оид маълумотларға эға бўлишида мумкин аҳамият қасб этмоқда.

Албатта, биохилма-хиллик муҳофазасини тарғиб қилиш ҳамда ушбу жараёнларда бевосита фаол иштирок этиш нафақат журналистларнинг, балки юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг вазифаси. Сув ҳавзаларининг тозаллиға берис муносабатда бўлиш сув қушларининг сони камайиб, аста-секин йўқ бўлиб кетишиға олиб келади. Бу эса минтақамиздаги биомувозанатға пунтўр етказида.

Фазлидин РАҲИМОВ